

## Эҳромда қилиш, қилмаслик керак бўлган амаллар ҳамда уларнинг каффоратлари



06:00 / 14 июнь 8129

دَائِرَةُ الْقَوْلِ الْوَيْدَةَ وَالْوَمَاحَ لِرَهْشِ الْوَالِدِ رِئَاغَشِ اُولْحُتِ اَلْ اُوْنَمَآ نِيْدِلَا اِهْيَا اَي  
اُوْدَا طِصَافُ مُتَلَلِحِ اِدِوْ اَن اَوْضَرُوْ مَّوْبَرُوْ نِم اَلْضَفِ نَوُعَتْ بَي مَاحَ لَتِيْبَلِ نِيْمَا اَلْو  
يَلَعِ اُوْنَوَاعَتُوْ اُوْدَتَعَتُوْ نَا مَاحَ لِدِجَسَمَلَا نَعْمُ كُوْدَصُوْ نَا نَشُوْ مُكَّنْ مَرْحِي اَلْو  
بِاقِعَلَا دِيْدَشَ اَلْوَالِدِ اُوْقَاتَاوْ اُوْدُعَلَاوْ مَثَلَا يَلَعِ اُوْنَوَاعَتِ اَلْوِ وُقُوْتِ اَلْوَرَبِ اَلَا

**“Эй иймон келтирганлар! Аллоҳнинг дини аломатларини, ҳаром ойни, аталган қурбонликни, осилган белгиларни ва Роббиларидан фазл ва розилик тилаб Байтул Ҳаромни қасд қилиб чиққанларни ўзингизга ҳалол ҳисобламанг. Эҳромдан чиқиб ҳалол бўлсангиз, ов қилсангиз, майли. Масжидул Ҳаромдан тўсгани учун бир қавмни ёмон кўришингиз уларга тажовузкор бўлишингизга олиб бормасин. Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилинг. Гуноҳ ва душманлик йўлида ҳамкорлик қилманг. Аллоҳга тақво қилинг. Албатта, Аллоҳ иқоби шиддатли зотдир”** (Моида 2 оят).

Эҳромда қилиш ва қилмаслик керак бўлган амаллар жуда кўп бўлиб, улардан энг аҳамиятлиси ўттиз битта амалдир. Улардан кейин турли жинойт ва уларнинг каффоратининг ҳукми зикр қилинади.

### 1. Эҳром ҳолатида бит ўлдириш:

Эҳром ҳолатида бит ўлдириш жоиз эмас. Агар учтадан кам бит ўлдирган бўлса, ўз хоҳиши билан қанча садақа қилса, ўшани қилади. Агар ўлдирилган битларнинг сони учтадан зиёда бўлса, қанча бўлса ҳам бир садақаи фитр миқдорида садақа қилади. Бу борадаги қоида шуки, бадандан пайдо бўладиган ҳашоратларни ўлдириш жоиз эмас. Бадандан пайдо бўлмайдиган азият берувчи кана ва шунга ўхшаш нарсаларни ўлдириш жоиз;

## **2. Эҳромда тахта кана ва чиввинни ўлдириш:**

Эҳром ҳолатида бадандан пайдо бўлмайдиган азият берувчи жонивор ва ҳашоратларни ўлдириш жоиздир. Шунинг учун тахта кана, чивин, ари каби нарсаларни ўлдиришга жарима йўқ (Фуниял манаасик);

## **3. Эҳром ҳолатида чумолини ўлдириш:**

Эҳром ҳолатида чақиб азият берадиган қора, сариқ чумолиларни ўлдириш кароҳиятсиз жоиз бўлиб, уларни ўлдирган кишига жарима лозим бўлмайди. Лекин, чақиб азият бермайдиган чумолиларни ўлдириш макруҳ ва жоиз эмас. Лекин ўлдирганига жарима лозим бўлмайди.

الامو رفصاو دوسا وهو يذؤي لمنو وضوعبك اهتارشحو ضرالماوه يقاب لتقب الو شارفو بابذوقبو ثوغربو ءازجل اهلتقب بجي ال ناك ناو اهلتق لحي ال يذؤي سرع نباو يله رونسو ةافحلسو ملحو دارقو ذفنقو روبنزو غزوو نال عجو سفانخو تسيل اهنال ني عبراو ةعبرا ماو ني نج ماو ناطرسو ليلل حايصو رصرصو يله خل ن دبلل نم ةدلوتم الو دويص

**“Пашша, қора ва сариқ азият берувчи чумоли каби ер ҳашоратларини ўлдиришга каффорат вожиб бўлмайди. Азият бермайдиган ҳашоратларни ўлдириш ҳалол эмас. Лекин, ўлдириб қўйган киши зиммасига жазо вожиб бўлмайди. Бурга, кана, пашша, парвона, қўнғиз, гўнг қўнғизи, калтакесак, ари, типратикон, маймун, катта кана, тошбақа, хонаки мушук, хонаки ибн ирс, қора чигиртка, қисқичбақа, қирқ оёқ кабиларни ўлдиришга жазо лозим бўлмайди ва улар бадандан пайдо бўлувчи ҳам эмасдир”** (Фуния жадийд);

## **4. Эҳром ҳолатида чигиртка ўлдириш:**

Ҳарами шарифда чигирткалар жуда кўп бўлиб, уларга азият беришдан сақланиш лозим. Агар учтагача кимдир чигиртка ўлдирса, ўз хоҳиши билан қанча садақа қилса, ўшани қилади. Агар учтадан зиёда ўлдирса, у қанча бўлмасин бир садақаи фитр лозим бўлади.

ءاش امب قدصت هبوث ول ه ندب نم ةلمق مرحم لالتق ولو ةدارج نم ريخ ةرمتو  
قدصت انه نود امو ثالتل ايفف لمق لالك دارج ل نوكي نا يغبنو ه لوق ل ةدارجك  
خل اعاص فصنب قدصت رثك اف عبالا يفو ءاش امب.

**“Битта чигиртка ўлдиришга бир дона хурмо бериш яхшидир. Агар муҳрим бадани ёки кийимидаги битни ўлдирса, чигиртка каби ўзи хоҳлаганича садақа қилади... чигиртка ҳам бит каби бўлади. Учта ёки ундан озини ўлдирганида хоҳлаганича садақа қилади. Тўртта ва ундан ошиғида эса, ярим соъ садақа қилади”** (Фуния жадийд);

#### **5. Эҳром ҳолатида жанжаллашиш:**

Ҳа қилувчи одамлар билан жанжаллашиши ва уларни фаҳш сўзлар билан сўкиши қаттиқ гуноҳдир. Бундай номақбул ишни қилган кишига жарима лозим бўлмай, ҳажи фосид бўлмасада, лекин қилган ҳажи мақбул бўлмай, ҳажнинг савобидан маҳрум бўлади;

#### **6. Эҳром ҳолатида аёлини ўпиб қучоқлашиш:**

Эҳром ҳолатида шаҳват билан эр ўз аёлини ўпса, қучоқласа жаримасига бир қўй ёки эчкини қурбонлик қилиш вожиб бўлади. Хоҳ у сабабли мани тўкилсин ёки тўкилмасин.

Агар ўша ҳолатда аёл кишида ҳам шаҳват пайдо бўлса, унга ҳам алоҳида бир қурбонлик вожиб бўлади.

هتأرما لبق مرحم ه لوقو لزني مل وا لزننا مدلا ه لبع بجي ةوهشب اهقناع ولو  
هيش الف هتشت مل ناوا اضيا مد اه لبع في ه هتشنا ناو مد ه لبع ف ةوهشب  
خل اه لبع هيش الف ةوهش ريغب اه لبق ولو اه لبع

**“Эр аёлини шаҳват билан қучоқласа, хоҳ маний тўкилсин ёки тўкилмасин эр зиммасига бир қон вожиб бўлади. Эҳромдаги киши аёлини шаҳват билан ўпса, зиммасига қурбонлик вожиб бўлади. Аёлда ҳам шаҳват уйғониб кетса, унга ҳам бир қурбонлик лозим бўлади. Агар шаҳвати уйғонмаса, ҳеч нарса лозим бўлмайди. Агар эр аёлидан шаҳватсиз ҳолда бўса олса, зиммасига ҳеч нарса лозим бўлмайди”** (Татархония);

#### **7. Эҳром ҳолатида соч олиш:**

Агар эҳромдаги киши бошини ҳаммасини ёки тўртдан бирини ёки ундан зиёда қисмини озайтирса ёки олдирса, қон вожиб бўлади. Агар тўртдан биридан оз бўлса, жарима сифатида садақа, яъни ярим соъ садақа қилиш

вожиб бўлади. Бу ва қуйида кетмакет келадиган саккизта масала “Сочни олдириш ва қисқартириш” мавзуси остида далиллар билан батафсил баён қилинади. Бу ерда эса. Эҳромда қайтарилган ишлар сифатида санаб ўтилмоқда;

#### **8. Эҳром ҳолатида сақол олиш ёки қисқартириш:**

Эҳромдан чиқиш вақти келишидан аввал сақолни тўлиқ қирдириш ёки тўртдан бирини ёки ундан зиёдароғини олдириш қонни лозим қилади. Агар тўртдан биридан кам бўлса жарима сифатида садақа, яъни ярим соъ садақа қилиш вожиб бўлади;

#### **9. Эҳром ҳолатида қўлтиқ ости тукини олиш:**

Эҳром ҳолатида икки ёки бир қўлтиқни тукини олинса, жаримасига қон лозим бўлади;

#### **10. Эҳром ҳолатида киндик ости тукни олиш:**

Эҳром ҳолатида киндик ости тукни олинса, жаримасига қон вжиб бўлади;

#### **11. Бир вақтда сочни, сақолни ва бутун танадаги тукларни олиш:**

Эҳромдаги киши бир вақтда соч, сақол ва қўлтиқ ҳамда киндик ости тукларни олса, барчасини эвазига бир қон вожиб бўлади. Агар турли вақтларда олса, ҳар бир вақт учун алоҳида-алоҳида қон вожиб бўлади;

#### **12. Соч ёки сақолнинг икки ёки уч толасини, қўлтиқ ёки киндик ости тукларидан икки ёки уч толани юлиб олиш:**

Агар соч, сақолдан икки ёки уч тола, қўлтиқ ёки киндик ости тукларидан икки ёки уч тола юлинса, жаримасига бир сиқим буғдой ёки унинг қиймати садақа қилинади. Агар юлинган толалар учтадан зиёда бўлса ёки тук чиққан аъзонинг тўртдан биридан кам қисми озайтирилса ёки қириб олинса жаримасига садақаи фитр ёки унинг қиймати лозим бўлади;

#### **13. Эҳром ҳолатида мўйловни қисқартириш:**

Эҳром ҳолатида мўйловни ҳаммасини ёки баъзисини қисқартирса, жаримасига садақаи фитр лозим бўлади;

#### **14. Соч, сақол, қўлтиқ ва киндик ости тукларидан бошқа жойларда ўсган тукларни олиш:**

Соч, сақол, қўлтиқ ва киндик ости тукларидан бошқа жойларда ўсган тукларни олишда ўзгача бир йўл тутилади, яъни аъзони барчаси ёки баъзиси ёки тўртдан бири ёки ундан кам қисмидаги тукларни олишга жарима сифатида бир садақаи фитр лозим бўлади;

### **15. Эҳром ҳолатида тирноқ олиш:**

Бир қўл тирноқлари ёки бир оёқ тирноқлари ёки бир вақтда икки қўл ва икки оёқ тирноқларини олган киши зиммасига бир қон вожиб бўлади. Агар тўрт аъзо тирноқларини турли вақтда, тўрт жойда олса, тўртта қон лозим бўлади. Шунингдек, бир аъзо тирноқларини бир вақт олиб, иккинчи аъзо тирноғини бошқа вақтда олса, икки қон лозим бўлади. Агар тўрт аъзо тирноқларини олишда бир жойда ёки турли жойда ўтириб ҳар бармоқдан бештадан кам, яъни тўртта ва ундан кам бармоқ тирноқларини олса, ҳар бир олинган бармоқ тирноғига биттадан садақаи фитр лозим бўлади.

### **16. Эҳром ҳолатида тикилган кийим кийиш:**

Эҳром ҳолатида эркак киши тикилган кийим кийиши жоиз эмас. Жумладан ёқоаси йўқ кўйлак, иштон, қўлқоп, маҳси, майка, дўппи, костюм, камзул кабилар. Баданга мослаб тикилмаган нарсаларни кийиш кароҳиятсиз жоиздир. Шунинг учун бир-бирига уланган матони ҳожи эҳром сифатида ўраб олиши жоиз бўлади. Чунки, у аслида бирор аъзога мўлжалланиб тикилмаган нарсадир.

وَبُطَيْخُيْ تُثَيِّحُ بَعْضُ عِبَادٍ وَنَدَبُ لِرَدِّقِ لَعَلَّ مُمْغَمَّ عَيْشٍ لِكُ سُبُلِ طَبِاضٍ نَأ  
سُبُلِ سَفَنَبِ هَيْلَعُ كَسَمَ تَسَيِّوَامِ وَرِيَّغٍ وَأِضْعَبِ بَعْضُ عِبَادٍ قِيَزَلَتِ وَأِطَائِي خَب  
نَدَبُ لِبَابِ طَيْخُيْ تُثَيِّحُ بَعْضُ عِبَادٍ وَنَدَبُ لِرَدِّقِ لَعَلَّ مُمْغَمَّ عَيْشٍ لِكُ سُبُلِ طَبِاضٍ نَأ  
وَسُبُلِ سَفَنَبِ هَيْلَعُ كَسَمَ تَسَيِّوَامِ وَرِيَّغٍ وَأِضْعَبِ بَعْضُ عِبَادٍ قِيَزَلَتِ وَأِطَائِي خَب

**“Тикилган кийимни кийганлиги учун жиноят лозим бўлишлигини қондаси шуки, баданининг ҳаммасини ёки баъзисини ёпишлик учун тикилган ёки бир-бирига ёпиштирилган ёки кийиши биланоқ ўзи ёпишиб қоладиган нарсани кийишдир. Бундан баданни тўлалигича эгалламайдиган, ямоқлар каби баъзиси баъзисига уланган кийимларни кийишликда зарар йўқдир”** (Фуния жадийд);

### **17. Эҳром ҳолатида тикилган кийим кийишга белгиланган жарима:**

Бир киши бир кун ёки бир кеча ёки бир кун миқдорида, яъни ўн икки соат ёки бир неча кун узулуксиз тикилган кийим кийса, қон лозим бўлади. Бир киши кундузи кийим кийиб кечаси эртага ҳам кияман деган мақсадда

ечинса, иккисига ҳам бир қон лозим бўлади. Агар ётишдан олдин эртага киймайман деган мақсадда тикилган кийимини ечиб, эртаси куни яна тикилган кийимни кийса, икки қон лозим бўлади.

لَا يَرَاهُ لَلْفِصْنِ نَسَبَلٌ وَلَا فِإْمِ وَحَاقُ رَأْدِقِمَ دَارْمَلَانِ رَهْاطِلَالَةَ لَيْلٍ وَأَلْمَاكُ أَمْوِي  
يَفَوْهُ وَقَدْ هَلَّ لِرِي شُيْ أَمْ كُمْ دُمْ مَزَلَسْ كَغَلَابٌ وَأَلْأَصْفَانِ رِيغَنْ مَلِي لَلْفِصْنِ  
يَفَوْ... رُبُّ نَمْعِ أَصْفَانِ يَأْفَقَدَصْلَقَالِ يَفَوْهُ وَقَدْ أَبْلَلُ حَرْشُ عَقَدَصْلَقَالِ  
رُبُّ نَمْعِ صَبَقَةَ عَاسِ نَمْلَقَأ

**“Бир кун тўлиқ ёки бир кеча тўлиқ тикилган кийим кийса, бундан мурод иккисидан бирининг миқдорича тикилган кийим кийса қон лозим бўлади. Агар куннинг ярмидан туннинг ярмигача ёки туннинг ярмидан куннинг ярмигача узулуксиз тикилган кийим кийса, зиммасига битта қурбонлик лозим бўлади. Бир кун ёки бир кечадан камроқ тикилган кийим кийса, буғдойдан ярим соъ садақа қилиш вожиб бўлади. Бир соатдан озроқ тикилган кийим кийса, бир сиқим буғдой садақа қилиш вожиб бўлади”** (Раддул муҳтор).

Агар бир кун, ёки бир кечадан кам ёки бир соатдан зиёда тикилган кийим кийса, садақаи фитр лозим бўлади. Агар бир соатдан кам тикилган кийим кийса, бир ёки икки ҳовуч буғдой ёки унинг қийматини садақа қилиш лозим бўлади.

### **18. Тикилган кийимни устига ташлаб олиш:**

Эҳром ҳолатида кўйлак, чакмон ва шунга ўхшаш тикилган кийимларни кийиш жоиз эмас. Агар кўйлак ёки чакмонларни эгнига киймай, устига ташлаб олса, ҳеч қандай жарима лозим бўлмайди. Чунки, тикилган кийимни рисоладагидек киймади. Устига ташлаб олиш эса, жиноят эмас. Шунинг учун унга жарима лозим бўлмайди.

طساوب ةطاحال مدعل هب س أب الف هب ح شتا و ا ص ي م ق ل ا ب ي د ت ر ا و ل ا ذ ك و  
خ ل ه س ف ن ب ك س م ت س ا ل ا م د ع ل ه ر ز ي م ل و ن ا س ل ي ط ل ا س ب ل و ل ا ذ ل و ة ط ا ي خ ل ا

**“Агар ҳаж қилувчи кўйлакни ридо тарзда эгнига ташлаб олса ёки кўйлакни киймай қаеригадир боғлаб олса, кийилишлиги учун тикилгандек киймаганлиги учун зарари йўқ. Шуниндек, тайласонни кийиб, тугмаларини қадаб олмаса, жиноят лозим бўлмайди. Чунки, тайласон тугмасиз эғнда турмайди”** (Фуния жадийд);

### **19. Эҳром ҳолатида хушбўй суртиш:**

Эҳром ҳолатида хушбўйланиш аёл ва эркак кишига ҳам бирдек жинойт ҳисобланади. Қасдан ёки билмай ёки мажбуран хушбўй суртса, ҳар ҳолатда ҳам жарима лозим бўлади. Хушбўйликни баданга ёки кийимга суртадимиз фарқи йўқ, яъни жинойт ҳисобланади.

Агар бир киши катта аъзоларидан бирига, яъни бош, юз, болдир, сон, биллак, қўл ва кафтидан бирига хушбўй суртса ёки бир аъзодан ортиқ жойга хушбўй суртса, жаримасига қон лозим бўлади. Бунда вақтни аҳамияти йўқ, яъни бир кун тўлиқ хушбўй бўлиб юрадими ёки андоқ вақт хушбўй бўлиб юрадими, хушбўйлик намоён бўлса, жарима лозим бўлаверади.

Агар кичик аъзоларга, яъни қулоқ, бурун, бармоқ кабиларга хушбўй нарса суртилса, жаримасига садақаи фитр лозим бўлади.

**Фойда:** Бу ва қуйида келадиган икки масала “Эҳром ҳолатида хушбўйланишлик” сарлавҳаси остида батафсил баён қилинади. Бу ерда эса, эҳромда қайтарилган ишлар сифатида санаб ўтилмоқда;

## **20. Эҳром ҳолатида аёл киши ҳина қўйиши:**

Аёл киши эҳром ҳолатида кафти ёки оёғига ҳина қўйса, жаримасига қон лозим бўлади;

## **21. Эҳром ҳолатида аттор дўконида ўтириш:**

Эҳром ҳолатида атторлик дўконида ўтирса-ю, лекин баданига ёки кийимига хушбўйлик суртмаса, жарима лозим бўлмайди. Лекин, атр ҳидини ҳидлаш мақсадида атторлик дўконида ўтириш макруҳ бўлиб, унинг жаримасига ҳеч нарса лозим бўлмайди;

## **22. Эҳром ҳолатида бош ёки юзни ёпиш:**

Эҳром ҳолатида аёл киши бошини ёпиши кароҳиятсиз жоиздир. Лекин, эркак киши бошини ёпиши дуруст эмас. Шунингдек, юзни ёпиш ҳам жоиз эмас. Агар бир кун тўлиқ ёки бир кеча тўлиқ, яъни ўн икки соат эркак киши бошини ёки юзини ёпса, аёл киши эса юзини ёпса қон лозим бўлади. Агар бир кун ёки бир кеча, яъни ўн икки соатдан кам миқдорда эркак киши бошини, юзини, аёл киши эса юзини ёпса, садақаи фитр лозим бўлади. Агар бир соатдан кам миқдорда эркак киши бошини ёки юзини, аёл киши эса юзини ёпса, жинойт қилган бўладилар ва унинг жаримасига икки сиқим буғдой ёки унинг қиймати лозим бўлади. Бу ишларни билиб туриб

ёки эсдан чиқариб ёки мажбуран қилса ҳам жарима лозим бўлаверади. Шунингдек, ухлаётган кишини бошини ёки юзини бирор киши ёпиб қўйса ҳам каффорат лозим бўлади.

كَلِّدْ نَمَّ لِقَانَاكَ نِإِوْ ، مُدَّهْ لِعَفْ أَلْمَاكَ أَمْوَيَّهْ سَأَرْ طِعْ وَأَطِيحَمْ أَبْوَثَ سَبَلْ نِإِوْ  
ةً قَدَّصْ هَ لِعَفْ

**“Агар тикилган кийим кийса ёки тўлиқ бир кун (яъни ўн икки соат) бошини ёпиб юрса, зиммасига қон лозим бўлади. Бир кундан озида зиммасига садақа лозим бўлади”** (Фатхул фодир).

نَاسُنْ إِيْطَعْفْ أَمْئَانْ وَأَهْ لِعَفْ أَهْرَكُمْ وَأَسْبُلْ لِيْ فِ أَرَاتْ خُمْ وَنَوَكْ نَبَقْرَفْ أَلْوَ  
مِئَانْ لِيْ لِعَفْ أَعْجَلْ بِجِيْ تَحْ هَجْ وَأَهْ لِيْ لِسْ أَرْ

**“Тикилган кийимни ихтиёри кийса ҳам, мажбуран кийса ҳам ёки ухлаётганда бирор киши бошини ёки юзини ёпиб қўйса ҳам ухлагувчига жазо вожиб бўлаверади”** (Фатхул қодир).

رُبَّ نَمَّ ةً صَبَقْ عَسْ نَمَّ لِقَانَاكَ فَوَعْصُفْ صَنْدَ عَسْ يِ

**“Бир соатда ярим соъ, ундан озида эса бир сиқим буғдой вожиб бўлади”** (Раддул мухтор);

### **23. Эҳром ҳолатида бошни ёки юзни тўртдан бирини ёпиш:**

Бошни ёки юзни тўртдан бирини ёпишнинг ҳукми бош ёки юзни ҳаммасини ёпган билан бир хилдир, яъни бош ёки юзнинг тўртдан бирини бир кун, яъни ўн икки соат ёпиб юрилса, қон вожиб бўлади. Агар бир кундан (кундуз) кам бўлиб, бир соатдан кўп бўлса ёки тўртдан биридан кам бўлса, садақаи фитр вожиб бўлади. Агар бир соатдан кам бўлса, икки ҳовуч буғдой ёки унинг қиймати лозим бўлади.

اذك...ة قَدَّصْ هَ لِعَفْ عِبْرَلْ نَمَّ لِقَانَاكَ مَدَّهْ لِعَفْ اِدْعَا صَفْ اَمْوَيَّهْ سَأَرْ عِبْرَلْ طِعْ وَلَوْ  
خَلَا اَنْدَنْعْ هَجْ وَعِبْرَلْ لِحْرَلْ طِعْ

**“Агар бошининг тўртдан бирини бир кун ёки ундан ортиқ ёпиб юрса, зиммасига қон лозим бўлади. Агар тўртдан биридан камроғини ёпиб юрса, зиммасига садақа лозим бўлади. Шунингдек, эркак киши юзининг тўртдан бирини ёпиб юрса ҳам зиммасига қон бўлади”** (Бадоиу қадийм);

### **24. Бошни тўртдан биридан камини ёпиш:**



Агар бош ёки юзни тўртдан биридан камини бир кун, яъни ўн икки соат ёки ундан зиёда вақт ёпиб юрса, бир садақаи фитр вожиб бўлади. Шунингдек, бош ёки юзни тўртдан биридан камини бир кундан кам ва бир соатдан кўп ёпилса ҳам садақаи фитр лозим бўлади.

هَلَّ عَلَ الْكَذَّانِ وَدَنَّ الْكَانِ وَأُو، مَدَّ هَيْلَعَفْ أَمْ وَبِ هَجَّ وَوَأَسْ أَرْغَبُ رُمُحُ الْمَلَا يَطْعُ نِإِو  
ةَقَدَصْ.

**“Агар муҳрим бошини ёки юзини тўртдан бирини кундизи билан ёпиб юрса, зиммасига қон лозим бўлади. Агар тўртдан биридан камроқ бўлса ёки бир кундан камида садақаи фитр лозим бўлади”** (Мабсут);

## **25. Ухлаётган вақтда бош ёки юзни ёпиш:**

Эҳром ҳлатида ухлаётиб бошига ёки юзига бирор нарса ташлаб олса, каффорат лозим бўлади. Шунга биноан ухлаётиб бошни ёки юзни тўлиқ ёки тўртдан бирини ўн икки соат ёпса қон вожиб бўлади. Агар ўн икки соатдан кам ва бир соатданг кўп вақт бошини ёки юзини ёпиб юрса, садақаи фитр вожиб бўлади. Агар бир соатдан кам вақт бошини ёки юзини ёпиб юрса, бир ёки икки сиқим буғдой ёки унинг қиймати лозим бўлади. Шунингдек, ухлаётган пайтда бир киши бировни юзини ёки бошини ёпиб қўйса ёки уйқусраб ёпиб олса, юқоридаги тафсилотларга мувофиқ қон ёки садақа лозим бўлади.

وااراتخ المهاد واملع ادماع و ايسان ولو انامز هيلع مادو ههجو و اسأرى طغ اذا  
ىطغ اذا فءنجال هيلع ف رذع رىغب و ا رذعب هسفن ب وه و ا هرىغ هاطغ امئان و اهركم  
امهدح ا رادقم دارملا و ةلئل و ا اموي ... لكلك امهنم عربل او ههجو و اسأرى عىمج  
ةقدص عربللا نم و ا موي نم لقالا يفو مد هيلع ف.

**“Муҳрим киши бошини ёки юзини эсдан чиқариб ёки қасдан ёки билиб ёки билмай ёки ўз ихтиёри билан ёки мажбуран ёки ухлаётганда бир киши уни юзини ёпиб қўйса ёки ўзи узр билан ёки узрсиз ёпиб олса ва бир қанча муддат ёпиғлик турса, зиммасига жарима лозим бўлади. Агар бошининг ёки юзининг ҳаммасини бир кун ёки бир кеча ёпиб олса, бундан мурод бир кеча ёки бир кундир. Бундай ҳолатда зиммасига қон лозим бўлди. Бош ва юзининг тўртдан бири ҳам ҳаммасининг ўрнига ўтиради. Бир кун ёки тўртдан биридан камроғида садақ лозим бўлди”** (Фуния жадийд);

**Фойда:** Бу масала борасида ҳожилар орасида турли янглишмовчиликлар юз бериб туради, яъни Минога чиққанда ҳожилар дам олиш мақсадида

ётиб бошларини ёки юзларини беътиборлик билан ёпиб оладилар. Аслида бундай қилиш ҳожиларга жинойт ҳисобланади. Шунинг учун ҳожилар бунга эҳром вақтида эътибор қаратишлари лозим;

### **26. Ҳарам ҳудудида ўт-ўланларни юлиш ва дарахтларни кесиш:**

Ҳарам ҳудудида ўт-ўланларни юлиш ва дарахтларни кесиш мумкин эмас. Шунингдек, ҳарам ҳудудида муҳримга ҳам, ҳалол инсонга ҳам овни ўлдириш жоиз эмас. Шунинг учун бирор киши ҳарам ҳудудидаги ўт-ўланюлса ёки дарахтни кесса, ёки овни ўлдирса, унинг қийматини садақа қилиши лозим бўлади;

### **27. Эҳром ҳолатида ов қилиш:**

Эҳром ҳолатида ов қилиш жоиз эмас. Шунинг учун эҳромдаги киши ҳарам ҳудудидан ташқарида бирор нарсани овлаб уни сўйса, сўйилган жонлиқ хором ўлган жонивор ҳукмида бўлади ва уни истеъмол қилиш бирор кишига ҳалол бўлмайди. Унинг қийматини тўлаш эса, эҳромдаги киши зиммасига вожиб бўлади;

### **28. Ҳарам ҳудудида ёки эҳром ҳолатида қайсидир жониворни ўлдириш мумкинми?**

Эҳром ҳолатида ҳарам ҳудудида муҳрим учун ўн бир турли ҳайвонни ўлдириш ҳалол бўлади. Улар қуйидагилар:

1. илон;
2. чаён;
3. калтакесак;
4. каламуш;
5. калхат;
6. гўнг қарғаси;
7. қопағон ит;
8. чивин;
9. тишлайдиган чумоли;
10. тошбақа;

11. ҳамла қилувчи ҳар бир жонивор.

بَابُ الْوَدْلِ مَنْ سَمَّخَ لِقِ مَسْوَةٍ لَعَلَّ لِي صَيِّبٌ لِي نَعَاهُ نَعَهُ لِي لِي ضَرَّةٌ صَفَحٌ نَعَهُ  
رُوقٌ لِي لِي كَلِّ لِي أَوْ بَرَقٌ لِي أَوْ رَأْفٌ لِي أَوْ أَدِخْلِي أَوْ بَارِعٌ لِي نَعَهُ لِي عَجَّ حَالٌ

*Ҳафса розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«ҳайвонлардан бештасини ким қатл қилса ҳараж эмас. (Улар) қарға, қузғун, сичқон, чаён ва қутирган ит», дедилар».**

عُقُوبَةُ الْوَدْلِ أَوْ عِيَّةُ الْوَدْلِ: مَحَلُّ الْوَدْلِ لِي فِي نَعْتِ قِيٍّ قِيٍّ أَوْ سَمَّخَ: عِيَّةٌ أَوْ يَفَوُّ  
عِيَّةٌ أَوْ سَمَّخَ أَوْ يَفَوُّ. أَيْ دُخْلِي أَوْ رُوقٌ لِي أَوْ كَلِّ لِي أَوْ رَأْفٌ لِي أَوْ

*Бошқа бир ривоятда:*

**«Беш фосиқни ҳилда ҳам, ҳарамда ҳам қатл қилинади. (Улар) илон, ола қарға, сичқон, қутирган ит ва қузғун», дейилган.**

*Бешовлари ривоят қилишган.*

Ушбу жониворларни ҳарам ҳудудида ёки эҳром ҳолатда билиб туриб ўлдириш жаримани лозим қилмайди. Лекин, инсон баданидан пайдо бўладиган азият берувчи ҳайвонни эҳром ҳолатда ўлдириш жоиз эмас. Масалан, бит, қурт кабилар. Азият берувчи ҳайвон ёки ҳашорат бадандан пайдо бўлмаса, эҳром ҳолатида уларни ўлдириш ҳалолдир. Масалан, ари, тахта кана, чивин, пашша каби нарсалар.

## 29. Ҳаж қачон фосид бўлади?

Ҳаж арафотда туришдан олдин аёли билан яқинлик қилиб қўйиш сабабли фосид бўлади. Арафотдан кейин аёли билан яқинлик қилинса, қон вожиб бўлади. Агар арафотдан олдин аёли билан яқинлик қилиб қўйганлиги сабабли ҳажи фосид бўлган киши иккинчи марта эҳромга кириб арафотда туришга улгирса, ҳажи дуруст бўлади. Гўё ҳажи фосид бўлган йили қайтадан қазосини адо қилган бўлади. Лекин, у билан бирга бир қон ҳам зиммасига лозим бўлади. Агар у йили қайтадан ҳаж қилишга улгирмаса, бошқа ҳожилар каби ҳаж амалларини қилади ва келаси йили ҳажни қазосини адо қилади ва зиммасига бир қон лозим бўлади.

هُ هَاشِرَةٌ لَعَلَّ وَجَّحَ دَسَفَةٌ فَرَعَبٌ فَوْقُ الْوَدْلِ لِي بَقْرٌ لِي لِي بَسَّ لِي دَحَى أَيْ فَعَمَّاجٌ نِوْ  
هُ دَسَفَةٌ لِي مَلَّ نَمَّ يَضُمُّ مَيَّ أَمْ كَجَّ حَالٌ لِي فِي يَضُمُّ مَيَّ وَ

**“Арафотда туришдан олдин икки йўлдан бирига жимо қилиб қўйса, ҳажи фосид бўлади ва зиммасига битта қурбонлик лозим бўлади ҳамда ҳажи фосид бўлмаганлар каби ҳажни давом эттиради”** (Иноя шарҳул ҳидоя);

### **30. Умра қачон фосид бўлади:**

Умра тавофини адо қилишдан олдин аёли билан қўшилиб қўйса, умра фосид бўлади ва унинг зиммасига умра қазоси билан биргаликда бир қон ҳам вожиб бўлади. Агар ўша заҳоти умрага эҳром боғлаб, умрани қайтадан қилса, умра қазоси адо бўлади. Лекин, унинг зиммасидан қон соқит бўлмайди.

أهْيَافِ يَضُمِّيْهِ هُتْرُمُوعٌ تَدَسَفِطَاوْشَأْةَ بَرَأْفُوطِيْ نَأَلْبَقْدَرْمُغَلَا يَفَعَمَاجْ نَمَو  
ءَاشْهَيْلَعَوَاهِي ضِقْيَو

**“Умра қилаётган киши тавофнинг тўрт айланасини айланишдан илгари аёлига яқинлик қилса, умраси фосид бўлади ва уни давом эттириб охирига еказади. Сўнг уни бошқатдан қазо қилади ва зиммасига битта қўйни қурбонлик қилиш вожиб бўлади”** (Иноя шарҳул ҳидоя).

### **31. Каффоратда бадана қачон лозим бўлади?**

Ҳожи қайси қайтарилган ишларни қилса каффоратига бадана сўйиш лозим бўлади? Фақат ҳаждагина бадана сўйиш лозим бўлади. Умрада эса, бадана сўйиш лозим бўлмайди. Бадана деб, қурбонликда етти киши шерик бўлиб, сўйиши мумкин бўлган жонлиққа айтилади. Жумладан, туя, мол каби. Ҳаж жиноятида бадана вожиб бўладиган уч сурат мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар:

1. Арафотда тургандан кейин соч олдириш ва тавофи зиёратдан олдин аёли билан қўшилиб қўйилса, жарима сифатида бадана қурбонлик қилиш вожиб бўлади. Уч имом наздида Арафотда тургандан кейин, ақаба тошларини отишдан илгари аёли билан яқинлик қилиш ҳажни фосид қилади. Аммо, Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ наздида у билан ҳаж фосид бўлмайди. Лекин, жаримасига бадана сўйиш вожиб бўлади, дейдилар.

فاوط لبوقو قلحلا لبوق هدعب وا فوقولا لاج ولو ةفرب هفوقو دعب عماج ول اما  
ةثاللا لاقو هدعب و ا مرملا عماج ءاوس هج دس في ملف هركا وا هلك ةرايزلا  
ادماع وا ايسان عماج ءاوس ه ندب هيلعو يمرلا لبوق عماج اذا دس في

**“Арафотда тургандан кейин Минода вуқф қилаётган ҳолатда бўлсин ёки вуқфдан кейин соч олдириш ва зиёрат тавофини қилшдан илгари ёки зиёрат тавофини кўп қисмини қилишидан илгари аёли билан яқинлик қилиб қўйса, ҳажи фосид бўлмайди. Тош отаётган пайтда ёки тош отишдан кейин жимо қилса ҳам. Қолган уч имом шайтонга тош отишдан аввал жимо қилса, ҳажи фосид бўлади ва зиммасига бадана сўйиш вожиб бўлади, дейдилар. Жимони эсдан чиқариб қўйган бўлса ҳам ёки билиб туриб қилган бўлса ҳам фарқи йўқдир”** (Ғуния жадийд);

2. Жунуб ҳолатда тавофи зиёрат қилишнинг жаримаси бадана қурбонлик қилишдир.

هولع فطاوشا ةعبرا وهو هركئا وا هلك ءاسفن وا اضئاح وا ابنج ةرايزلل فاط ولو  
ةندب

**“Тавофи зиёратни барчасини ёки аксариятини, яъни тўрт айланани жунуб ҳолатда ёки ҳайз ёки нифос ҳолатда қилса, зиммасига бадана вожиб бўлади”** (Ғуния жадийд);

3. Нифос ва ҳайз ҳолатда тавофи зиёрат қилишнинг жаримаси бадана қурбонлик қилишдир.

**Фойда:** Бадана – туя ёки молдир.

**«Мўминнинг умр сафари» китоби**